



20 18 yil “ 6 ” Март

90-52 - sonli

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 1 мартдаги “Республикамизда 8-март Хотин-қизлар кунини кенг нишонлаш, жойларда турли соҳаларда фаол меҳнат қилаётган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларни рағбатлантириш мақсадида” қабул қилинган 169-Ф-сонли фармойиши ижросини таъминлаш тўғрисида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 1 мартдаги 169-Ф-сонли фармойиши раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мазкур фармойиши билан:

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг республика ҳудудларида 8 март – Хотин-қизлар кунини (кейинги ўринларда байрам деб аталади) кенг нишонлаш тўғрисидаги таклифи маъқулланганлиги;

8 март – Хотин-қизлар кунини кенг нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика ишчи гуруҳи таркиби;

8 март – Хотин-қизлар кунини кенг нишонлаш билан боғлиқ чора-тадбирлар режаси тасдиқланганлиги инобатга олинсин.

3. Қуйидагилар:

8 март – Хотин-қизлар кунини кенг нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича вилоят ишчи гуруҳи таркиби 1-иловага;

8 март – Хотин-қизлар кунини кенг нишонлаш билан боғлиқ чора-тадбирлар режаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Вилоят ишчи гуруҳи чора-тадбирлар режасида белгиланган тадбирларни ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлансин.

4. Вилоят ҳокимининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси М.Қобулова, вилоят Маданият бошқармаси бошлиғи С.Исаков, Термиз шаҳар ҳокимлиги, манфаатдор бошқарма, идора ва ташкилотлар билан биргаликда 2018 йил 6 март куни “Grand Almaz” тантаналар саройида байрам тадбирининг юқори савияда ўтказилишини ташкил этсинлар.

5. Шаҳар ва туманлар ҳокимликлари байрам муносабати билан тегишли маданий-маърифий ва спорт тадбирларини юқори савияда ва кўтаринки руҳда ўтказилишини таъминласин.

6. Мазкур фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси М.Қобулова зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Э.Турдимов



Виловят ҳокимининг
2018 йил " 6 " Март
952-сон фармойишига
1-илова

8 март – Хотин-қизлар кунини кенг нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича виловят ишчи гуруҳи

ТАРКИБИ

1. М.Қобулова - Виловят ҳокимининг ўринбосари – Хотин-қизлар кўмитаси раиси, *ишчи гуруҳ раҳбари*
2. У.Норбоев - Виловят Маданият бошқармаси бошлиғи ўринбосари
3. И.Худобердиев - Термиз шаҳар ҳокими
4. *Лавозимига кўра* - Термиз давлат университети проректори
5. А.Эргашев - Виловят Халқ таълим бошқармаси бошлиғи
6. Ш.Одинаев - Виловят Соғлиқни сақлаш бошқармаси бўлим бошлиғи
7. Р.Абдуалимов - Виловят Ички ишлар бошлиғи ўринбосари
8. С.Норқобилов - Виловят матбуот ва ахборот ҳудудий бошқармаси бошлиғи
9. И.Мардаев - Виловят телерадиокомпанияси радио эшиттиришлари бош муҳарири
10. Р.Норбоев - Виловят бадий ижодкорлар уюшмаси раиси
11. А.Аҳмедов - Виловят Касаба уюшмалари бирлашмаси Кенгаши раиси
12. А.Эшмуратов - Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича виловят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари
13. У.Холлиев - Ёшлар иттифоқи виловят Кенгаши раиси ўринбосари
14. М.Ғойипова - Виловят ҳокимининг ўринбосари – Хотин-қизлар кўмитаси раисининг котибият мудирини.
Ишчи гуруҳ маъсул котиби

Ижрочи: Виловят ҳокимининг
ўринбосари, Хотин-қизлар
кўмитаси раисининг котибият
мудирини М.Ғойипова



Вилоят хокимининг
2018 йил " 6 " Маданият
ФФ-5325-сон фармойишига
2-илова

8 март – Хотин-қизлар кунини кенг нишонлаш билан боғлиқ
ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ

№	Тадбир номи	Бажариш муддати	Маъсуллар
1.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустахкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2018 йил 2 февралдаги ПФ-5325-сон Фармонинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этиш. Мамалакатимизда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб яшаш ва меҳнат қилиш шaroитларини яратиш борасида амалга оширилаётган ислохатлар, шу жумладан, ижтимоий шароити оғир аёлларни қўллаб-қувватлаш, оилавий кадриятларни сақлаш ва ривожлантириш, соғлом фарзандни дунёга келтириш, соғлом турмуш тарзини юритиш борасида давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказиш.	2018 йил март ойидан бошлаб йил давомида	Вилоят Хотин-қизлар кўмитаси, шаҳар ва туманлар хокимликлари, вилоят Адлия бошқармаси, вилоят "Оила" маркази, Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича вилоят кенгаши, "Нуроний" жамғармаси вилоят бўлими
2.	Ёрдамга мухтож бўлган ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларнинг, шу жумладан, ногиронлиги бўлган аёлларнинг ҳолидан хабар олиш ва уларни байрам тадбирларига жалб этиш.	2018 йил 7 мартгача	Шаҳар ва туманлар хокимликлари, вилоят Хотин-қизлар кўмитаси, вилоят Маданият бошқармаси, вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси, вилоят Халқ таълими бошқармаси, вилоят Касаба уюшмалари бирлашмаси, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича вилоят кенгаши, "Нуроний" жамғармаси вилоят бўлими,

	манфаатдор бошқарма, идора ва ташкилотлар		
3.	2018 йил 1-10 март	“Мурувват” ва “Саховаг” уйларида истикомат қилаётган кекса онахонлар ва фахрийлар ўртасида маданий тадбирларни ташкил этиш ҳамда уларнинг ҳолидан хабар олиш.	Вилоят Хотин-қизлар кўмитаси, Соғлиқни сақлаш бошқармаси, вилоят Маданият бошқармаси, “Нуроний” жамғармаси вилоят бўлими, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича вилоят кенгаши, Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари
4.	2018 йил март ойи давомида	Турли соҳаларда узоқ йиллар самарали меҳнат қилган нафақадаги фидойи онахонларнинг уйларига ташриф буюрган ҳолда, уларнинг ҳолидан хабар олиш.	Вилоят Хотин-қизлар кўмитаси, вилоят Касаба уюшмалари бирлашмаси Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича вилоят кенгаши, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари, манфаатдор бошқарма, идора ва ташкилотлар
5.	2018 йил март ойи давомида	Ватан тинчлиги ва халқ фаровонлигини таъминлаш йўлида халок бўлганларнинг оила аъзолари ҳолидан хабар олиш.	Шаҳар ва туманлар ҳокимликлари, Вилоят Мудофаа ишлари бошқармаси, вилоят Ички ишлар бошқармаси, вилоят Хотин-қизлар кўмитаси, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича вилоят кенгаши, “Нуроний” жамғармаси вилоят бўлими, “Соғлом авлод учун” фонди вилоят филиали, Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши, вилоят Касаба уюшмалари бирлашмаси
6.	2018 йил март ойи давомида	Ёшлар ўртасида Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари фаолиятини кенг тарғиб қилиш, улар иштирокида жойларда учрашув ва бадний кечалар ташкил этиш.	Вилоят Хотин-қизлар кўмитаси, Халқ таълими бошқармаси, олий таълим муассасалари, вилоят Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси, Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши, Вилоят

			Жисмоний гарбия ва спорт бошқармаси, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари
7.	Маҳаллаларда узок йиллардан буён бирга тинч, фаровон ва бахтли яшаб келаётган онахон ва отахонлар билан ёш оилалар ва янги никоҳдан ўтаётган ёшлар иштирокида оила муқаддаслиги, оила жамият таянчи мавзуларида давра суҳбатларини ташкил этиш.	2018 йил март ойи давомида	Вилоят “Оила” маркази, Фукарларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича вилоят кенгаши, “Нуроний” жамғармаси вилоят бўлими, вилоят Хотин-қизлар кўмитаси, Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари
8.	Сурхондарё вилояти Мудофа ишлари бошқармаси тасарруфидаги муассасаларида аскар йигитлар билан “Аскар онасига байрам табриги” номли маданий-маърифий кечаларни ташкил этиш.	2018 йил март ойи давомида	Вилоят Мудофа ишлари бошқармаси, вилоят Хотин-қизлар кўмитаси, Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари
9.	Жойларда тадбиркор ва хунарманд аёллар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар кўرғазмасига бағишланган “Мохир кўллар – юртни безар” тадбирларини ташкил этиш.	2018 йил 5-6 март кунлари	“Тадбиркор аёллар” уюшмаси, вилоят “Хунарманд” уюшмаси, вилоят бадий ижодкорлар уюшмаси, Вилоят бадий ижодкорлар уюшмаси, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари
10.	Турли соҳаларда ибратли фаолият кўрсатаётган хотин-қизлар, уй бекалари, шунингдек Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларнинг оммавий ахборот воситалари орқали чиқишларини ташкил этиш.	2018 йил март ойи давомида	Вилоят Хотин-қизлар кўмитаси, вилоят телерадиокомпанияси, вилоят матбуот ва ахборот худудий бошқармаси, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари
11.	Термиз шаҳрида бўлиб ўтадиган тантали тадбирга шаҳар ва туманлардан келадиган пиллакор, тадбиркор, илгор фермер аёллар, ишлаб чиқариш корхоналарида, таълим-тарбия, илмуфан, маданият, соғлиқни сақлаш соҳаларида хизмат қилаётган оша-сингиллар, маҳалла маслаҳатчилари, нуроний оналарни, фахрий унвонга сазовор бўлган аёлларни тантанали кутиб олиш ва кузатишни ташкил этиш.	2018 йил 6-8 март кунлари	Вилоят Хотин-қизлар кўмитаси, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари

Ижрочи: Вилоят ҳокимининг ўринбосари,
Хотин-қизлар кўмитаси раисининг котибият
мудирни М.Ғойипова

